

Биринчи мусулмонлар



20:43 / 19.12.2017 10579

Исломга биринчи бўлиб Хадийжа онамиз кирдилар. У киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари бўлиш билан бирга, Аллоҳ таолога ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга биринчи иймон келтириш шарафига ҳам муяссар бўлдилар. Шу билан бирга, иймон йўлида улкан хизматлар ҳам қилдилар.

Ёшлардан биринчи бўлиб Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу иймонга келдилар. У киши ўша пайтда ўн ёшда эдилар. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг оталари Абу Толиб қийналиб қолгани учун Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ўз қарамоғларига олган эдилар.

Кейин Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳу иймонга келдилар. У киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуллари эди. Аммо у зот уни озод қилиб, ўғил тутган эдилар.

Катта кишилардан биринчи бўлиб Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху иймонга келдилар. У киши Қурайш қабиласида катта обрўга эга эдилар. Ўткир ақллари, мурувватлари, адолатлари ва бошқа олий сифатлари учун кўпчилик ҳазрати Абу Бакр розияллоху анхуни яхши кўрар ва ҳурмат қилар эди.

Абу Бакр розияллоху анху ўзлари иймонга келганларидан кейин Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан нима иш қилиш кераклигини сўрадилар. У зот соллаллоху алайҳи васаллам «Одамларни Исломга даъват қил», дедилар.

Ҳазрати Абу Бакр розияллоху анхунинг дастлабки даъвати самараси ўлароқ, ўша пайтда Қурайшнинг ашрофларидан бўлган, кейинчалик саҳобаларнинг улуғларига айланган ва жаннатга киришларига башорат берилган ўн кишининг бешталари – Усмон ибн Аффон, Зубайр ибн Аввом, Абдурраҳмон ибн Авф, Саъд ибн Абу Ваққос ва Толҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоху анхум иймонга келдилар.

Яширин равишда олиб борилаётган даъват таъсирида аста-секин бошқалар ҳам Исломга кира бошладилар.

Дастлабки мусулмонлар ичида Абу Убайда ибн Жарроҳ, Арқам ибн Абу Арқам, Усмон ибн Мазъун, Убайда ибн Ҳорис, Саъийд ибн Зайд, Хаббоб ибн Артт, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Аммор ибн Ясир, Суҳайб Румий каби эркалар ва бир неча аёллар бор эди.

Дастлабки мусулмонлар Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам билан яширин равишда учрашар эдилар. Улардан бирор киши ибодат қилмоқчи бўлса ҳам, ҳеч ким кўрмайдиган пана жойга беркиниб олиб, ибодат қилар эди.

Мусулмонларнинг сони секинлик билан кўпайиб борди. Уларнинг адади ўттизтача эркак ва аёлдан иборат бўлганда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Арқам ибн Абу Арқам розияллоху анхунинг уйларида йиғилишлар ўтказишга амр қилдилар. У зот мусулмонлар билан ўша ерда сирли равишда учрашар, керакли таълим-тарбиялар берар эдилар. Орадан маълум вақт ўтиб, мусулмонларнинг сони қирқтачага етди.

Биринчи мусулмонлар ичида турли тоифадаги эркак ва аёллар бор эди. Кўпчилиги асосан, ёшлардан иборат бўлган бу мусулмонлар ичида обрўли бойлар ҳам, камбағаллар ҳам, араблар ҳам, араб бўлмаганлар ҳам, аслзода қурайшликлар ҳам, бировнинг қули бўлганлар ҳам, осиеликлар ҳам,

овруполиклар ҳам, африқоликлар ҳам бор эди. Бундан Ислом барчанинг дини, тенглик дини, биродарлик дини, адолат дини, инсонпарвар дин эканлиги кўриниб турарди.

Муҳаққиқ уламоларимиз ўша пайтларда мусулмонларга икки маҳал, икки ракъатдан намоз ўқиш фарз бўлганини таъкидлайдилар. Бунга улар «Ғофир» сурасидаги «Эртаю кеч Роббингга ҳамд ила тасбиҳ айт» оятини далил қиладилар.

Шунингдек, Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан қилинган «Аввалда намоз икки ракъат-икки ракъат фарз қилинган эди. Кейинчалик сафарда шу бўйича қолдирилиб, ҳозир бўлганда яна икки ракъат зиёда қилинди», деган маънодаги ривоят ҳам бор.

Ҳар бир мусулмон қуёш чиқишидан олдин икки ракъат, қуёш ботишидан олдин икки ракъат фарз намоз ўқир эди. Нафл намозни эса хоҳлаган вақтида хоҳлаганича ўқийверарди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Исломга одамларни уч йил давомида яширинча даъват қилдилар. Мусулмонлар бу муддат ичида ўз иймонларини кофирлардан беркитиш учун барча чораларни кўрар эдилар. Уч йилдан сўнг, янги мусулмонларнинг иймони сайқал топиб бўлганидан кейин Исломга ошкора даъват қилиш фурсати етди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)